XALQ DEPUTATLARI KOSON TUMAN KENGASHI
Q A R O R I

2021 - yil 11 - avgust VI-36-35-4-60-K/21 Koson tuman hokimligi

Маҳаллани бўлиш ва янги маҳалла ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сонли қарори ва туман ҳокимининг 2020 йил 10мартдаги “Маҳаллани бўлиш ва янги маҳалла ташкил этиш ҳақида”ги 193/01-сонли таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши**:**

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.Туман ҳокимининг 2020 йил 10мартдаги “Маҳаллани бўлиш ваянги маҳалла тузиш ҳақида”ги таклифи маъқуллансин.

2.Тумандаги бўлинадиган ва янги тузилаган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари номи 1-иловага мувофиқ;

тумандаги бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ер майдони ва чегаралари 2-иловага мувофиқ;

тумандаги бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли сони 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Туман статистика бўлими (Х.Абдуллаев), туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Ў.Хаитов), туман қурилиш бўлими (С.Юсупов) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Туман ички ишлар бўлими (И.Қутлимуратов) мазкур қарор билан янги тузилган фуқароларнинг ўзни-ўзи бошқариш органи ҳудудида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5.Туман қурилиш бўлими (С.Юсупов)га, туманда янги тузилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига янги номи ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш топширилсин.

6.Ушбу қарор расман эълон қилингандан сўнг кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижросини доимий комиссияси раислари зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **А.Бойкараев**

Халқ депутатлари Косон туман
кенгашининг
2021 йил 11 августдаги
VI-36-35-4-60-K/21-сон қарорига
1-илова

Бўлинадиган ва янги ташкил этилган

ФЎЎБОнинг номи тўғрисида

Т/р	**Бўлинадиган МФЙ номи**	**Бўлинган МФЙ номи**	**Янги ташкил этилган МФЙ номи**
1.	Майдаёбу МФЙ	Майдаёбу МФЙ	Юқори Майдаёбу фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи

Халқ депутатлари Косон туман
кенгашининг
2021 йил 11 августдаги
VI-36-35-4-60-K/21-сон қарорига
2-илова

Бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг умумий майдони

т/р	Бўлинадиган Майдаёбу маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий майдони	Бўлинган Майдаёбу маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган умумий майдони	Янги ташкил этилган Юқори Майдаёбу маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий майдони
1.	164,7 га	56,2 га	108,5 га

Бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг чегаралари

т/р	Бўлинадиган Майдаёбу маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	Бўлинган Майдаёбу маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	Янги ташкил этилган Юқори Майдаёбу ўзини ўзи бошқариш органи чегаралари
1.	Тинчлик МФЙ	Тинчлик МФЙ Юқори Майдаёбу МФЙ	Майдаёбу МФЙ Тинчлик МФЙ

Халқ депутатлари Косон туман
кенгашининг
2021 йил 11 августдаги
VI-36-35-4-60-K/21-сон қарорига
3-илова

Бўлинаётган ва янги ташкил этилаётган ФЎЎБОнинг

аҳоли сони тўғрисида

Т/р	Бўлинадиган Майдаёбу МФЙ жами ахоли сони	Бўлинган Майдаёбу МФЙга қолган ахоли сони	Янги ташкил топган Юқори Майдаёбу ФЎЎБО ахоли сони
1.	6104	3497	2607